



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
бу юк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 20 сентябрь, № 194 (8817) ● Жума ● Сайтидаги ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

Қишлоқ хўжалиги: Натижалар, Режалар ва Таклифлар

**Президент Шавкат Мирзиёев
19 сентябрь куни
қишлоқ хўжалигидаги
ислохотлар ижросига оид
тақдимот билан танишди.**

Мамлакатимизда бу соҳанинг тармоқлари кўп ва катта салоҳиятга эга. Сўнгги йилларда пахтачилик, мева-сабзавотчилик, иссиқхона хўжалиги, қайта ишлаш sanoati каби кўплаб йўналишлар самарадорлик нуқтаи назаридан ислох қилинмоқда.

Ўртаҳиссада 136 та туманда 1 миллион гектардан зиёд ерда пахта етиштирилади. Хосилдорликни ошириш мақсадида бу йил одатдагиларига қўшимча 42 та истикболли ва 18 та хорижий навлар экилган. Жумладан, илк бор Хитой, Ҳиндистон ва Туркиядан олиб келинган навлар қарийб 100 минг гектарда етиштирилмоқда.

Шунингдек, янги тажрибалар сифатида 112 минг гектарга тиндирилган уруғ, 200 минг гектарга вилоятлараро ва туманлараро навлар алмашлаб экилди.

Мутасаддилар ушбу янгиликларнинг натижаларини ва келгуси йил уни янада кенгайтириш режалари юзасидан ахборот берди. Давлатимиз раҳбари хориждан уруғ олиб келишда рақобат муҳитини яратиш, пахта етиштириш агротехникасини ҳам ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалигидаги хосилдорлик, биринчи навбатда, уруққа боғлиқ. Лекин кўп фермерлар уруғлик учун устамани ҳам тўлашни ўйлаб, паст авлодли уруғ экипти. Янги уруғ навини синовдан ўтказиб, давлат реестрига киритишга эса 5 йил кетяпти. Илгор тажрибада бирламчи уруғчиликни хусусий элита хўжаликлари амалга оширди.

Шу боис навларни си-нашинг янги тизими жорий қилиниши белгиланди. Унга кўра 31 та элита уруғчилик хўжалиги ва 6 та уруғлик тайёрлаш цехидаги давлат улуси оммавий савдоларга чиқарилади. 46 та уруғчилик корхонаси бирлаштирилиб, худудларда 13 та замонавий корхона ташкил этилади. Янги уруғлар 2 йилда экишга жорий қилинади.

Соҳадаги яна бир катта йўналиш боғдорчилик ва узумчилик. Мамлакатимизда 266 минг гектар боғ ва 132 минг гектар тоқзор бор. Лекин бу умумдор табиатимизга яраша эмас. Худудларда янги фойдаланилмаётган ерлар, бўш адирлар талайгина.

Энди бундай ерларда

меваги боғлар, жумладан, узумзор ва олмазорлар барпо этишни янги тизими жорий қилинади.

Янги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги худудларнинг ихтисослашуви ҳамда тупроқ-иклим шароитини инобатга олиб, лойиҳаларнинг техник ихтисодий асосларини ишлаб чиқади. Ерни тайёрлаш, кўчат олиш, экиш ва сугориш тизимлари ўрнатиш ҳамда боғ хосилга киргизилган 3 йил парваришлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилади.

Шунингдек, бундай лойиҳаларда ер ажратиш тизими ҳам ўзгаради. Маҳаллий ҳокимлар хосилдорлиги паст ерлар ўрнида боғ барпо этиш бўйича таклиф киритади. Улар очик электрон танлов асосида 30 йил муддатга ижарага берилади.

Президентимиз боғ ва тоқзорларни совиётлашган тарзда барпо этиш муҳимлигини айтди.

Асосий мақсадимиз қишлоқ хўжалигини илмий асосланган БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг энг яхши тажрибаларини татбиқ қилган ҳолда ривожлантириш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тақдимотда иссиқхона хўжаликларидан ҳам самарали фойдаланиш, уларни электр энергияси, табиий газ ва айланма маблаг билан таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда сувни тежаш — долзарб масала. Худудларда 732 минг гектар пахта ва ғалла майдони ички насос агрегатлари орқали сугорилмоқда. Уларнинг 41 фоизда энергия истеъмоли юқори.

Шу боис пахта ва ғалла етиштирувчилар ихтиёридаги насосларни модернизация қилиш учун бир мар-талик субсидия ажратишни йўлга қўйиш таклифи билдирилди. Бу орқали электр энергияси сарфи ва сугориш вақтини 60 фоизгача камайтиришга, пировард натижада маҳсулот таннархини пасайтиришга эришилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, уларни такомиллаштириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Ў.А.

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТУРИЗМ РИВОЖИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Президент Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва туризм соҳаларидаги таклифлар тақдимоти билан танишди.

Хозирги кунда ҳавони мусаффо сақлаш, экологик ҳодисаларнинг таъсирига камайтириш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис бу борада иккита дастур ишлаб чиқилди.

Биринчиси — Чанг бўронлари-га қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини юмшатиш бўйича 2024 — 2030 йилларга мўлжалланган миллий дастурдир. Бу ҳужжатда “Евро — 4” стандартидан паст тоифадаги ёнилғини сотиш ва ундан фойдаланишни босқичма-босқич тўлиқ тақиқлаш назарда тутилди. Бунинг учун Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводалари юқори сифатли ёнилғи ишлаб чиқариш бўйича модернизация қилинади.

Иккинчиси — Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури бўлиб, унга кўра келгуси 5 йилда пойтахтимиз ва унга таш Тошкент вилояти туманларида 441 гектар “яшил белбоғ” ва боғлар ташкил қилинади.

Санитар тозалаш ишларини тартибга солиш мақсадида мавжуд марказ негизда Чикиндиларни бошқариш ва циркулёр иқтисодий-ривожлантириш агентлигини тузиш таклиф этилмоқда. Санитар тозалаш корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичларига қараб учта тоифага ажратган ҳолда рейтинг тизими жорий қилинади.

Янги қуриладиган, баланглиги 12 метрдан ёки умумий майдони 500 квадрат метрдан ортик бўлган биноларни лойиҳалаштиришда унга туташ худудларнинг камда 25 фоизини кўламазорлаштириш талаби қўйилади. Шунингдек, атроф-муҳитга зарари кўп санат корхоналари ҳам “яшил белбоғ”лар барпо этиш мажбуриятини олади.

Экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Фаол ва жонқур инсонларни рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида хизмат

кўрсатган эколог” фахрий унвонини таъсис этиш таклифи билдирилди.

Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги Орхус конвенциясига қўйиш масаласи кўриб чиқилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик бўйича модда киритиш мақсадаги мувофиқлиги айтилди. Шунингдек, даракларни кесил ва қасддан қуритиш, дарё ўзаниларидан ноқонуний кум-шағал қазиб олиш, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш каби ишлар учун жазмаларни ошириш ва қатъийлаштириш чоралари кўрилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги қарори билан республикада экологик маркировка тизими жорий этилган. Энди

ISO 14024 халқаро стандартига мувофиқ “Yashil belgi” номи остида маҳсулот ва хизматларни ихтиёрий экологик маркировка қўйишга қўйилади. 2 минг 336 та хўжалик юритувчи субъектда автоматик мониторинг станциялари, чанг-газ тозалаш ускуналари ва сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш бўйича тармоқ жадваллари тасдиқланди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши назорати хузурида жамоатчилик ва зорати остида бошқариладиган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Яшил хайрият жамағатлари” ташкил этилади. Электрон харид иловаларида “Яшил тўлов” ихтиёрий устама тури очилади.

Соҳадаги яна бир муаммо ёввойи ҳайвонларни асраш билан боғлиқ. Уларни хонадонларда бо-лиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган. Шу боис энди ёввойи ҳайвонларни уй шароитида, цирк ва шапитоларда сақлаш ҳамда то-мошаларда фойдаланиш тақиқла-

нади. Жисмоний шахслар ихтиёридаги ҳамда циркларда сақланувчи бундай жонзотлар ҳайвонот боғларидagi реабилитация марказларига, океанариумлар, питомник ва илмий-тадқиқот муассасаларига топширилиши белгиланмоқда.

Тақдимотда табиий туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам муҳокама қилинди. Шу мақсадда Ўзбекистон бу йўналишда Марказий Осиёнинг “чорловчи нуқтаи” сифатида тартибга келиши. “Табиий хизматлар меҳмондўстлиги” дастури амалга оширилади. Табиий ва соғломлаштириш муассасалари фаолияти рағбатлантирилиб, уларнинг ягона реестри ишга туширилади. Меҳмонхоналар каби юлдузли санаторийлар фаолияти йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари булар бўйича ҳужжат лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш ва ижросини самарали ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Одиль РЕНО-БАССО:

БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОНГА ЙИЛЛИК ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ 1 МИЛЛАРД ЕВРОГА ЕТКАЗИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти “Дунё” ахборот агентлиги мухбирининг Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларига оид саволларига жавоб берди.

Интервью

— Рено-Бассо хоним, ўтган йили Самарқандда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) бошқарувчилар кенгашининг навбатдаги йиллик йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унинг натижалари ва ушбу тадбирининг Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришда аҳамиятини қандай баҳолайсиз?



Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилиши ва ЕТБ бизнес форуми биз ва

минтақа учун ўтган йилнинг энг муҳим ва ҳажгонли воқеаларидан бирига айланди. Охирги ўн йил ичида Марказий Осиёдаги йирик тадбир ҳисобланган мазкур анжуман Ўзбекистоннинг ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорлигини намоён этишга хизмат қилди. Шунингдек, Қозғоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон ва Тожикистон ҳукуматларининг юқори мартабадаги вакиллари билан алоқаларнинг устувор йўналишлари ва турли масалаларни муҳокама қилиш учун ажойиб имконият бўлди. Ушбу мамлакатларда амалга ошириладиган қатор лойиҳалар бўйича келишувларни имзоладик.

Марказий Осиёдаги миллий ҳокимият органлари билан яхши ҳамкорлик даражаси ва яхшиланаётган инвестициявий муҳит ЕТБга

2023 йилда минтақадаги 100 дан ортик лойиҳаларга 1,2 миллиард евродан (1,3 млрд. АҚШ доллари) ортик инвестиция киритиш имконини берди. Улар минтақанинг барқарор ва инклюзив ривожланишига хизмат қилади. Банк қайта тикланадиган энергетика, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва барқарор инфратузилма каби соҳалардаги лойиҳаларни молиялаштирган. Мазкур лойиҳаларнинг 70 фоиздан ортиги хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Ушбу лойиҳалар биргаликда минтақадаги CO2 чиқиндиларини 1,87 миллион тоннага камайтиради. Шунингдек, 2024 йилнинг ўтган даврида ЕТБ 74 та лойиҳа орқали Марказий Осиёга 1,25 миллиард евро миқдорда инвестиция киритди. ➡

ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ ХАЛҚАРО ФОРУМДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Хабарингиз бор, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида “Хотин-қизлар ишончини мустаҳкамлаш ва глобал ҳамкорлик учун” IV Евроосиё хотин-қизлар форуми бўлиб ўтмоқда.

Мулоқот

Мазкур нуфузли анжуманда 126 та давлат парламентлари раислари, ҳукумат раҳбарлари ва 20 дан ортик халқаро ташкилотлар вакиллари, бизнес, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш каби турли соҳалар намояндалари бўлган 1,5 мингдан зиёд делегатлар, хусусан, Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Сенати Раиси Танзила Норбоева маъруза қилди.

Сенат Раиси ўз нутқида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг манфаатлари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳамда уларнинг барча жаҳада фаоллигини янада кучайтириш бўйича амалга оширилаётган комплекс дастурга атроф-ўлича тўхталиди.

Ўзбекистонда бу борадаги эришилган натижалар иштирокчиларнинг эътиборини тортиди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда

сўнгги етти йил мобайнида раҳбарлик лавозимларида аёллар сони 27 фоиздан 35 фоизга ошди, парламентда эса 32 фоизга етди. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсияларига мос келиши билан алоҳида эътиборга молик.

Ушбу ютуқларимиз халқаро тузилмалар томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда. Жумладан, Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва ҳуқуқ” ҳисоботида Ўзбекистоннинг гендер тенглигини таъминлашда катта ютуққа эришгани юқори баҳолалиб, бошқа давлатларга намуна сифатида тавсия қилинган.

Форум ўз ишини давом эттири-

«Халқ сўзи».

Сенат Кенгашида

НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСНИ ЧАҚИРИШ ЮЗАСИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг эллик еттинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 20 сентябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъкидланганидек, видеоконференцада тизимдан фойдаланган ҳолда ўтказилмаган ялпи мажлисда қатор масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган.

“Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги, “Ер қазри тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер уасткаларини ижарага бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонунлар шунлар жумласидандир.

Шунингдек, “Янги тадбирлардаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ва “Ўзбе-

кистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунлар ялпи мажлис кун тартибидан ўрин олган.

Шу билан бирга, сенаторлар оилавий (майший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқарувини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларини асосий текширувлардан ҳимоялаш, халқаро конвенцияни ратификация қилиш, давлат мулкани бошқариш соҳасини ҳамда давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ яна бир қатор қонунларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза ҳам кўриб чиқилади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик еттинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик еттинчи ялпи мажлиси 2024 йил 20 сентябрь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлисини видеоконференцада тарзда ўтказиш режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритилиб борилади.

➡

«Адлия сайли»:

МУАММОЛАР ЕЧИМИ, БИЛИМЛАР СИНОВИ ВА ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляптир. Бу жараёнда кўплаб вазирлик ва идоралар, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари қаторида Адлия вазирлиги жамоаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Акция

Хусусан, вазирлик ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли худудларида одамларга ҳуқуқини англаши

мезонига асосланган тадбирлар мунтазам равишда ташкил этиб келинаётгани ҳам фикримиз далили.

Вазирлик ишчи гуруҳи томонидан Нукус шаҳрида ўтказилган яна бир кенг қамровли тадбир — “Адлия сай-

ли” ҳуқуқий акциясида ҳам аҳолининг катта қатлами қамраб олинди, бу фуқароларнинг адвокатлар, нотариуслар, суд тизими, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан юзма-юз мулоқотга киришиб, муаммоларига ечим топиш имкониятини яратди. Акция давомида тадбир иштирокчиларига тааллуқли соҳалар бўйича тизим мутахассислари томонидан бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилгани аниқ мудоа бўлди. ➡



Одиль РЕНО-БАССО:

БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОНГА ЙИЛЛИК ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ 1 МИЛЛАРД ЕВРОГА ЕТКАЗИШ ИМКОНINI БЕРАДИ

— Ўзбекистон бир неча бор ЕТБ инвестицияларини жалб қилиш бўйича етакчи давлат бўлди. ЕТБнинг аввалги президенти Сума Чакрабарти Президент Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодий ривожланиш, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинланди. Албатта, бу мулоқотнинг самарали ривожланишига катта ҳисса қўшади ва шу билан бирга, республика банкнинг минтақадаги истиқболли шерикларидан бири бўлиб қолаётганидан далолатдир. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар орта қайтмас тус олиб, салмоқли натижалар яққол кўриниш турган бугунги кунда банк ва республика ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини қандай баҳолайсиз?

— Тўғри, 2023 йилда Ўзбекистон 700 миллион евро (760 млн. АҚШ доллари)дан ортиқ маблағ жалб қилиб, тўртинчи йил қаторасига ЕТБнинг минтақада етакчи маблағ оловчиси сифатидаги ўрнини сақлаб қолди. ЕТБ қайта тикланадиган энергия манбаларидан тортган барқарор инфратузилмагача бўлган соҳаларда 27 та лойиҳани молиялаштирди. Уларнинг 69 фоизи хусусий секторда амалга оширилган. 2024 йил бошида ЕТБ Бошқарувчлар кенгаши Ўзбекистон бўйича 2029 йилгача банкнинг мамлакатдаги устувор йўналишларини белгилаб берувчи янги стратегияни тасдиқлади. Банкнинг операцияларга стратегик ёндашуви қуйидаги учта йўналишдаги фаолиятга асосланади:

- декоративизацияни қўллаб-қувватлаш, сув самардорлигини ошириш ва тоза энергия;
- хусусий секторни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини рағбатлантириш, малака ошириш, инклюзивлик ва рақамли технологияларга ўтиш;

иқтисодий бошқарув, ишбилармонлик муҳити ва инфратузилма имкониятларини яхшилаш. ЕТБ ва Ўзбекистон ҳукумати 2050 йилгача мамлакатнинг энергетика соҳасида углерод нейтраллигига эришиш режасини қўллаб-қувватлайдиган узоқ муддатли декарбонизация стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Банк метан чиқиндиларини қамайтириш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқишга ҳам кўмаклашапти. ЕТБ Ўзбекистоннинг 2030 йилгача қайта тикланадиган энергия манбаларидан 25 ГВт ўрнатилган қувватга эга бўлиш максдага ёрдам тариқасида қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича кўпроқ лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди ва молиялаштиради.

2024 йилда банк халқаро ишлаб чиқарувчи, инвестор, электр станциялари ва тусизланган сув иншоотларининг ҳаммуаллифи ҳамда оператори бўлган "ACWA Power" компанияси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича иккита муҳим лойиҳани молиялаштирди. Гап Тошкент вилоятида ЕТБ томонидан қўллаб-қувватланган электр энергиясини сақлаш тизимларини яратиш бўйича энг йирик лойиҳалардан бири ва қайта тикланадиган водород ишлаб чиқариш бўйича биринчи заводи ҳақида бормоқда. Биринчиси ўзгарувчан қайта тикланадиган энергия манбаларини тармоққа ишончи улашни таъминлайди, иккинчиси эса ўғит ишлаб чиқаришни карбонсизлантиришга ёрдам беради.

Мамлакатингиз ва ЕТБ яқинда банк томонидан 10 млн. еврогача бўлган суверен кредит ҳисобидан қўллаб-қувватланган Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамағарасини ташкил этди. Бу мамлакатда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўзбекистонда, мазкур жамағара 2030 йилгача бориб Ўзбекистоннинг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган 30 млрд. долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ишлаб чиқишга ҳисса қўшади. Маълумки, мамлакат климат ўзгаришидан жиддий зарар кўраётган. ЕТБ Ўзбекистонга сув танқислиги, тупроқ деградацияси ва бошқа долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бermoқда. Жумладан, биз Фарғона водийсини сув билан таъминлаш бўйича йирик лойиҳани қўллаб-қувватладик ва бутун мамлакат бўйлаб бошқа шунга ўхшаш лойиҳаларни, хусусан, суғориш тармоқларини модернизациялаш ва

Мирзиёев Жаноби Олийлари томонидан миллий стратегик устувор вазифа сифатида белгилаб берилган мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга катта эътибор қаратилган. Тошкент халқаро инвестиция форумига келган хорижий инвесторлар сонининг йилдан-йилга тобора ортиб бораётгани мамлакат тўғрисида адибларнинг далолатидир.

Макроиктисодий прогнозларимизга келсак, биз уларни йилга икки марта жамоатчилик эътиборига ҳавола этамиз, Ўзбекистон ва минтақа

рашувлар ҳақидаги таассуротларингиз ҳақида тўхталсангиз. Ўзбекистон сизда қандай таассурот қолдирди?

— Ўзбекистонга мунтазам ташриф буюраман ва ҳар гал бу ерга келганда Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари қабулида бўламан. Утган йиллар давомида биз Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аъзолари билан жуда яхши ҳамкорлик қилдик ва бу муносабатлар узоқ йиллар шу тарзда давом этаверсин.

ЕТБнинг Ўзбекистондаги сўнгги йиллардаги фаолияти натижалари биргаликдаги ҳамкорлигимизнинг энг ёрқин саҳифасидир. Бизнинг Ўзбекистон билан муносабатларимизни энг яхши шериклик намунаси, деб ҳам аташ мумкин. Бу замонавий дунё турли геосийсий қийинчиликлардан азият чекаётган бугунги даврда алоҳида аҳамиятга эга. Энди сизларга ҳар қачонгидан ҳам молиявий ва интеллектуал жиҳатдан энг катта режаларингизни қўллаб-қувватлаётган узоқ муддатли ва ишончли шериклар керак. Уйлашимча, ЕТБ ана шундай имкониятни тақдим қилмоқда.

Ўзбекистондаги фаолиятимиз ҳукумат билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва миллий иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлаш, модернизация қилиш, рақамлаштириш ва худудлар интеграциясини оширишга қаратилган мамлакат стратегиясига асосланади. Шунингдек, у кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, инклюзивлик ва гендер тенглигини рағбатлантиришга қаратилган.

Шуни қўшимча сифатида айтишим мумкинки, Ўзбекистон жаҳон маданий меросининг жуда муҳим қисмидир. Теросизинг шу тартибига қарамай Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдим. Ҳозирда ҳам мамлакатингиз бўйлаб кўпроқ саёҳат қилишни интиқлик билан кутялман.

«Дунё» АА.
Лондон

ТАҚДИМОТ



АТОҚЛИ ШОИРНИНГ ИККИ БЕНАЗИР ТЎЛАМИ

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Каҳрамони, Халқ шоири, элимиз севган иждоқор Абдулла Орипов хотирасига бағишланган тадбир ҳамда яқинда нашрдан чиққан *«Буюк соддалик»* ва *«Уммон бўйидаги ўйлар»* китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.

Баддий кечада ёзувчи-шоирлар, адабиёт-шунос олимлар, шоирнинг яқинлари, талаба ёшлар ва шеърят ихлосмандлари жам бўлди. Тақдимот аввалида иждоқорлар сўзга чиқиб, Абдулла Орипов ижоди ва ҳаёти, янги китобларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритди.

— Абдулла аканинг илк китоби *«Митти юлдўз»* бундан 59 йил аввал нашрдан чиққан эди, — деди Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Сайилов. — Бугун эса мана бу икки аjoyиб, бир-биридан гўзал ва мазмундор китоблар халқимиз қўлига етиб бормоқда. Устозимиз шеърятининг салоботи адабиётда яратган дорилфунунинг, у ҳеч қачон завол билмайди, албатта.

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов шахси янги ўзбек шеърятини алоҳида макомга эга. Шоир илк шеърлари билан поэзиянинг чинакам вазиғасини белгилашда, ўқувчининг баддий тилини ривожлантиришда, адабиётнинг ҳаққий мақсадини тайин этишда ўзига хослигини намоян қилди.

Айтиш хоизки, шоир баддий адабиётга кириб келган вақтдаги вазиятга қарамасдан қалб буюрган мавзуни ёзишга жасорат топа олди. Янги ўзбек шеърятини соғина, баддийлик шоир ижоди таъсирида янгилади. Айниқса, шоир тўртликларидида философи, маани, ўзбекнинг ўзлиги, оддийдек туюлган фикр куюклиги, мазмуннинг фақуллода гўзал шаклдаги ифодаси ўзига хослик касб этди. Хусусан, шеър ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилинаётган *«Буюк соддалик»* китобида ана шундай энг сара тўртликлар жам бўлган. Унда шоирнинг баддий нияти, ўй-орзуларини ҳис этавиз.

«Уммон бўйидаги ўйлар» китоби эса шоирнинг Америка Қўшма Штатларидида битган философи мушоҳадлари, юрт соғини ва ҳайратдан иборат бўлган беназир сатрлари мажмуасидир. Уни мутлола қилиш орқали сиз шоирнинг мусофирликда, Ватандан йироқда ҳис этган ҳиссийотлари оламига ошно бўласиз. Мазкур китобларга киритилган битиклар иждоқорнинг аели Ханифа Мустафоева ва қизи Мавлуда Орипова томонидан тўпаланган.

Тақдимот давомида шоир шеърлари, газалларидан парчалар ўқилди. Йигилганларга янги китоблар тўхта этилди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи».)

«Адлия сайли»:

МУАММОЛАР ЕЧИМИ, БИЛИМЛАР СИНОВИ ВА ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

Сайилга фуқаролар, адлияга бириктирилган ёшлар, Нукус шаҳрида жойлашган олий ўқув юртлири, техникумлар, умумтаълим мактаблари, Инчи ишлар академияси, «Темурбеклар» мактабидан жами 2 мингга яқин вакиллар ташрифи буюрди.

Тадбир «Саломатлик учун — 5000 қадам» лойиҳаси билан бошланиб, лойиҳа иштирокчилари манзилга етиб келганидан сўнг давлатимиз мадҳияси янгради. Шундан сўнг сайил давомида совринли виқториналар, спорт мусобақалари, ногиронлиги бўлган шахслар ва хунармандлар томонидан тайёрланган махсулотлар курғазмаси, сайёр қабул, меҳнат ярмаркиси ташкил этилди. Шунингдек, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатилди, психолог маънавияти берилиди.

Адлия тизимида ёшлар билан ишлаш масаласи ҳар доим эътибор марказида туради. Маълумотларга кўра айни пайтда Адлия вазирлиги томонидан ота-ликка олинган ёшлар сонини 500 нафарни ташкил қилади. Қарийб 424,5 мингга яқин ёшларга адлия органлари ходимлари бириктирилган бўлиб, улар билан манзилли ва тизимли ишлаш йўлга қўйилган.

Жумладан, ўтган давр мобайнида уларнинг 339 минг 402 нафари билан очик мулоқотлар ташкил этилиб, анкеталар ва «йул хариталари» шакллантирилган. Учрашув ва мулоқотлар давомида ёшларнинг 33 мингдан ортиқ муаммолари аниқланди, шундан 20 мингга яқини ижобий ҳал қилинди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. «Адлия сайли»ни янада қизғин ўтказиш мақсадида йигит-қизлар ўртасида интеллектуал ўйинлар ҳам уюштирилди. Шулардан бири — «Заковат» интеллектуал ўйини бўлди. Унда 1-ўринни «Темурбеклар» жамоаси, 2-ўринни «Адолат» жамоаси, 3-ўринни «Ветеринария» жамоаси эгаллаб, вазирликнинг махсус дипломи ва қимматбахо совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, М. Мамбеталиев ва Н. Асановага эса фарзандларининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар топширилди.

Эътиборлиси, сайёр қабулда аҳоли томонидан 40 га яқин мурожаатлар келиб тушган бўлса, шундан 12 таси жойида ҳал қилиниб, қолганлари тааллуқлиги бўйича назоратга олинди.

Давлат хизматлари маркази томонидан сайёр тартибда 20 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди. Масалан, фуқаролар О. Айтимбетов ва Ш. Қидирбаеванинг турмуш қуриб, 8 ойдан бери бирга яшаб келаётгани, аммо никоҳи қайд этилмаганилиги муаммоси билан қилган мурожаати тез фурсатда ўрганилиб, ечим топилиши ёши олинган хурсандчилигига сабаб бўлди. Уларга шу ерининг ўзида ФХДБ бўлими томонидан никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилди.

Умуман олганда, вазирлик ташаббуси билан ўтказилаётган бундай тадбирлар аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, уларда ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, пировард натижада бўш вақтларини мазмунли ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи».)

САВДО КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон — Эрон бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов, Эрон Савдо-саноат, тоғ-кон ва қишлоқ хўжалиги палатаси президенти Самад Ҳасанзода, тегишли вазирлик ва идоралар, тармоқ бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, 200 дан зиёд икки давлат ишбилармонлари қатнашди.

АНЖУМАН

Анжуманда саноат, инновация, қишлоқ ҳамда сув хўжалиги, озиқ-овқат, баллиқчилик, қурилиш материаллари, дори-дармон ва фармацевтика, тўқимачилик, логистика ҳамда муҳандислик соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов мазкур тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий

алоқани мустаҳкамлаш учун янада кенг йўл очилишини қайд этди.

Эрон Савдо-саноат, тоғ-кон ва қишлоқ хўжалиги палатаси президенти Самад Ҳасанзода эса ўтган давр мобайнида икки мамлакат раҳбарларининг оқилона сиёсати, олий даражадаги ташрифлари натижасида савдо-саноат соҳаси ривожлангани, бизнесда соғлом рақобат муҳити шаклланиши таъкидлади. Ишга туширилаётган йирик лойиҳаларни тадбиркорларимиз му-

ваффақиятли ҳамкорлиги самараси сифатида эътироф этди.

Форумда урғу берилганидек, ўтган йил ўзаро савдо 503,4 миллион долларни ташкил қилиб, экспорт 180,6, импорт эса 322 миллион долларга тенг бўлган. Айни пайтда мамлакатимизда Эрон сармоясини иштирадида фаолият юритаётган 268 корхонадан 121 таси қўшма, 147 таси хорижийдир.

Тадбир доирасида истиқболли йўналишлар, устувор тармоқлар бўйича республикамизнинг сармоясини англаб етгандай тийёр лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди. Яқунда Эрон бизнес доиралари вакиллари ҳамда пойтахтимиз бизнесменлари ўртасида «B2B» музокаралари бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи».

ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ



Инсоф — инсоннинг зийнати, Яратганнинг бандасига ато этган энг улуг фазилати. Шукрли бўлиш ва исрофдан қўрқиш туйғуси билан яшамоклик эса улуг саодат. Лекин бу икки тушунчанинг ораси бор-йўғи бир қадам халос...
Бу — Тоҳир ҳожи Қобиловнинг эзгу аъмоли. Отахон уни ёшларга уқитиришдан чарчамайди. Иймон-инсофли, неъматлар қадрига етувчи одамлар юртининг баракаси, улар борлиги учун ҳам ҳаёт абадий, тараққиёт бардавом, деб кўп тақрорлайди.

■ Инсон қадри учун

Тоҳир ҳожи Қобилов Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чинор қишлоғи оқсоқолларидан. Тўқсон ёшга кирди, қадди тик, сўзлари пурмаъно. Ҳеч кимнинг кўмағига таянмай, ўз кучига, салоҳиятига ишониб яшайди. Тўқсонда ҳам эл юкини елкасида ҳис қилиб, жондай азиз қишлоғи, қишлоқдошлари манфаати йўлида елиб-юғурди, сира чарчадм демайди. Чунки отада ҳаётга интилиш кучли, муҳаббат бисёр, садоқат биринчи ўринда!

Чинорликлар у кишининг оиласини намунали, мустаҳкам, ахил-иноқ деса, ҳонадон боши Тоҳир отани сира уйда ўтирмайди, кексалик гаштини сурмайди, у киши учун на қиш бор, на ёз, доим эл ташвишида юради, дейди.

Бу бежиз эмас. Тоҳир ота оила-си мустаҳкам, рўзғори бут, фарзандларининг ҳеч кимдан кам бўлмай воёга етилиши учун астойдил меҳнат қилган...

Яқинда тўқсон ёшлик отахонга ҳаж зиёратига боришдек улуг ша-

раф насиб этди. Яна денг, давлатимиз раҳбарининг имтиёзи билан Макта ва Мадинада азиз меҳмон сифатида эхтиром кўрсатилди.

Ҳаж зиёрати пайтида уни хорижлик муҳбирлар қуршаб олишди. Са-волларнинг эса кети узилмасди: «Шу ёшда қандай қилиб ҳажга келдингиз?», «Қабатуллоҳда туриб, Аллоҳдан нималарни сўрадингиз?» Шунда Тоҳир отанин мижжалари йўригидан ўтказдим. Бир улғур зот Ўзбекистон учун жон қўйдириб, бутун ҳаётини бағишлаб турган бир пайтда биз унинг теварағида жипс-лашиб, биргаликда ҳаракат қилишимиз лозимлигини англаб етдим.

Ва яхшиликларга амалий жавоб чин инсоний бурчимиздир. ...Тоҳир ҳожи ота асли Жиззах вилоятининг Бахмал туманидан, аели эса бўстонлиқлик. Ёшлигида Сирдарё чўлларини ўзлаштириш учун Гулистонга кўчиб келишган. Унинг айтишича, бир қизи оғир дардга чалинади. Шифоқорлар муолажаси ҳам наф бермайди. Қаранги, Бўстонлиқ туманида тоғу тошлардан сизиб чикувчи бўлоқ суви беморга шифо бўлади. Ва шундан сўнг Тоҳир ота шу ерда, Чинор қишлоғида муқим яшаб қолади. Фарзанди шифо бўлган бу муқаддас замин ва одамлар олдида ўзини қарздор санади. Шунинг учун ҳам Чинор қишлоғини газлаштиришга кўмаклашиб, шу қарзимни узимиш керак, дейди у.

Ҳаж зиёрати эса унинг тафаккурини янада тиниқлаштирди, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Дарвоқе, ҳожи отанин айтишига кўра, ҳаж зиёрати пайтида бир кун ийқуга ётиш олдидан кўксига тушадиган олпоқ соқолани тараш учун тарок олмагани ёдига тушади ва йўлига кетади. Эрталаб уйғонса, ёстиғи ёнида битта қутича турганини кўради. Очиб қараса, унда бир тарок ва рўмолча бор эди. Шунда у ният пок бўлса, албатта, Аллоҳ ижобат қилишига ана бир бор иймон келтиради. Қўлини дуога очиб, Ўзбекистонни, кўп миллатли халқини чин юракдан дуо қилади. Ота-хон ҳақ, ниятлар пок бўлса, тоза қалб ва чин юракдан чиқса, албатта, ижобат бўлади.

Ҳаж зиёратини адо этаётган пайтда отахонни йўқлаб келувчилар кўп бўлди. Айниқса, Саудия Арабистонини, Бирлашган Араб Амирликларини ва бошқа давлатлардан келган мусулмонлар ёши улғур зиёратчи билан ўқориши, унинг суҳбатини олишга интилишди. Отахон уларга Ўзбекистон ҳақида, юртдаги олам-

шумул ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди. Ҳатто, араб давлатлари тевлевиденесида отахон ҳақида лавҳалар берилди.

Айниқса, отахонни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин домла Холиқназаров йўқлаб, Президентнинг совға-саломларини етказганида Тоҳир отанин қувончи ичига сиймаг кетди. Ўзбекистонлик 15 минг нафар ҳаж зиёратчиси учун маъсул Суннатулло Эрназаровнинг ғамхўрликларини тўқилганини сўзлайди.

— Оддий эътибор, бир оғиз ширин сўздан кўнгил тоғдек кўтарилади, — дейди Тоҳир ҳожи Қобилов. — Яратганга беҳисоб шукр! Кексаларни эъзозлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш шунчалик бўлади-да. Шу тавабруқ заминнинг, меҳридарё халқнинг фарзанди эканимдан фараҳланман. Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган, кексалари эъзозланган, фарзандлари камолоти йўлида ғамхўрлик кўрсатилаётган гўзал юртимизга, тўқин, фаровон ва саодатли кунларимизга кўз тегмасин.

Кексалик гаштини бахтиёр ва миннатдор ўтказаетган, давлат раҳбарининг юксак эътибори туфайли муборак ҳаж зиёратини амалга оширган Тоҳир ҳожи ота бугунги кун ёшлари учун ибрат тарғиботчиси. Чунки отахон айтаётган ҳаётий ўғитлар мамлакатимиз ёшларини яхшиликка, эзгуликка эш, фаол бўлишга, юртимизни, унинг тинч-осойишта ҳаётини, жамиятимиздаги бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, меҳр-саховат муҳитини кўз қорачиғидай асраб-авайлашга, истиқлол неъматларининг қадрига етишга ундамоқда.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи».)

ЕВРОПАГА САБОҚ БЕРГАН ЎЗБЕК АЛЛОМАЛАРИ

Президентимиз томонидан келгусида мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улкан вазифа қўйилганини, унинг халқимиз ҳаёти учун нақадар муҳимлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Мана шундай юксак марраларга чоғланиб турарканмиз, бундан минг йиллар олдин рўй берган биринчи ва иккинчи Ренессанснинг дунёвий аҳамиятини алоҳида таъкидламай бўлмайди. Туронзаминлик алломаларнинг турли фан соҳаларида эришган ютуқлари Мовароуннахрни, аниқроғи, бу ерлик олимларни бутун жаҳонга машҳур қилди. Улар томонидан қилинган кашфиётлар эса ҳозирга қадар инсониятни ҳайратлантириб келаётир.

Буюк мерос

АҚШдаги Марказий Осиё, Кавказ бўйича тадқиқотлар институтига президенти, Жон Хопкинс университети ҳузурдаги халқаро тадқиқотлар мактаби профессори Стивен Фредерик Старр ўзининг "Йўқотилган маърифат" китобида буюк тамадду тандирга теран назар ташлаб, унинг равнақи ва инқирозга юз тутиши сабабларини таҳлил этади. Орадан бир неча асрлар ўтиб, Марказий Осиёнинг "Еврооосиё маркази" мақомидан дунёнинг чекка, олов ҳудудига айлиниб қолиши сабабларини баён этади.

Олим гапни 26 ёшли Абу Райхон Беруний ва 19 ёшли Абу Али ибн Сино ўртасидаги миллодий 999 йилдаги ёзишмаларни келтиришдан бошлайди. Ушбу мактубларда бўлажак алломалар қандай саволларга жавоб излаганига эътибор беринг: қоиначида юдузлар орасида галактикамизга ўхшаш бошқа дунёлар ҳам борми? Навқирон ватандошларимиз Ер сайраси бир лаҳзада яралганини ёки узоқ муддатли давомийликка эга, деган жумбоқ устида ҳам бош қотирганлар. Ушбу мунозаралардан 600 йил вақт ўтиб, Жордано Бруно коинотда бошқа олампалар мавжуд деган даҳрийна қарашни учун оловда ёқилди. Холбуки, икки буюк аждодимиз биз яшаб турган олам коинотда яқин-ёлғиз эмаслигини ўшандаёқ баён қилган.

АҚШлик файласуф Томас Кун ўзининг "Илмий инқилоблар тузилиши" китобида илмий кашфиётлар камдан-кам ҳолларда кутилмаганда юз беришини, аслида фан қумулятив жараёнига, унда кузатилаётган воқеалик ва умумқабул қилган назария (парадигма) ўртасида фарқлиқни кучайиб бороверишини таъкидлайди. Охири-оқибатда бундай фарқлиқ ишбу аномалиялар янги назария ёки парадигмалар ривожига олиб келади.

Беруний, Ибн Сино ҳамда марказий осийлик бошқа алломаларнинг илм-фанда эришган ютуқлари Европада XVI-XVII асрларда улкан илмий инқилоб ясади. Биргина Ибн Синонинг илмий мероси — бир неча саҳифадан тортиб бир неча жилддан иборат асарлари номи 400 дан ошади. Афсуски, улардан бизга бор-йўғи 240 таси етиб келган, ҳоло. Абу Райхон Берунийнинг 180 та қомусий асаридан эса 22 тасигина сақланиб қолган.

Муаллиф Марказий Осиёда олтин аср ибтидоси сабабларини очиб асосида буюк денгиз йўллари ҳали очилмаган XIV-XV асрларда Марказий Осиёнинг жуғрофий ўрни минтақани Еврооосиёнинг муҳим савдо-сотиқ йўллари туташган дунё марказига айлантирганини таъ-

кидлайди. Булар Шарқда Хитой, Жанубда Ҳиндистон, Жанубий-ғарбда Арабистон ярим ороли, Ғарбда Усмонийлар империяси ва Европа. Савдо логистикасининг асосий воситаси икки ўрқачли Турон маҳаллий туяси эди. "Буво Ипак йўли" билан минглаб километр йўлни босиб ўтган карвонларни бошқарганлар ҳам араблар ёки хитойликлар эмас, балки марказий осийлик тужжорлар эди. "Девону лулоот"нинг асари муаллифи Махмуд Кошғарий нафақат тилшунос, балки илк хариташунос олим сифатида узоқ Японияни ҳам қамраб олаган жаҳон харитасини яратиб, унда Болосонун ва Иссиқкўлни Еврооосиёнинг қок марказига қўйиши Марказий Осиёнинг ўша даврдаги мавқеини кўрсатади.

Бухорolik Абу Али ибн Сино XII асрдан XVII асрга қадар (беш аср!) Магрибу Машриқда асосий ўқув кўпланмаси бўлган "Тиб қонунлари"нинг муаллифи саналади. Мазкур китобда сувни ифлослайдиган ва касаллик тарқатувчи кўзга кўринмас жонотлар мавжудлиги баён қилинади. Олим чечак, ўлат ва вабо касалликлари ўртасидаги фарқни, мохов ва бошқа кўпглаб касалликларнинг келиб чиқиши, уларни даволаш усулларини таъкидлаб беради. Марказий осийлик яна бир олим, Ар-Розийнинг чечак ва қизамиқ касалликларига оид изланишлари китоб ҳолида Европада тахминан 1475 йиллардан 1866 йилларга камидан 40 мартаба нашр этилган. Абу Райхон Берунийнинг "Тиббиётда фармакогнозия" ("Доривор ўсимликлар ҳақида") ги китобида қарийб 900 га яқин турли хил ўсимликлар, уларнинг бир нечта тилда номланиши, даво хусусиятлари ва тавсифлари берилган.

Фарғонада туғилиб ўсган Аҳмад ал-Фарғоний "Астрономия ибтидоси" асарида ўзидан олдинги олимларнинг кашфиётларини янада такомиллаштирган. У дунёда энг кўп ўқилган ислом астрономи бўлиб, ҳатто 500 йилдан кейин машҳур денгиз Христорф Колумб олим асарларини муролаа қилган.

Абу Мусо Мухаммад ал-Хоразмий ва унинг сафдошлари Курраи арз (Ер) меридиани графони ўлчовчи асбоб ва горизонтал кўч соати қурилмаси лойиҳасини ишлаб чиққан, алгебрани тизимга солган ва муҳиятан, унга мазкур номни берган. Алгебра стандартларини 500 йил олдинга суриб, квадрат тенгламаларни ечишнинг қўлай усулини тақдир қилгани, сферик тригонометрия, ҳинд ўнлик осийнинг жуғрофий ўрни минтақани Еврооосиёнинг муҳим савдо-сотиқ йўллари туташган дунё марказига айлантирганини таъ-



даврларнинг буюк математикларидан бири бўлганини тасдиқлайди. Олимнинг "Алжабр вал муқобала" китоби Марказий Осиё олимлари учун дастуриламал бўлиб билан бир қаторда, савдо-сотиқ ишларини олиб бориш, мол-мулк мероси, уни бўлиш, суд даъволари ва ўзаро битимлар тузиши, каналлар ва турли хил иншоотларни барпо

“ Беруний, Ибн Сино ҳамда марказий осийлик бошқа алломаларнинг илм-фанда эришган ютуқлари Европада XVI-XVII асрларда улкан илмий инқилоб ясади. Биргина Ибн Синонинг илмий мероси — бир неча саҳифадан тортиб бир неча жилддан иборат асарлари номи 400 дан ошади. Афсуски, улардан бизга бор-йўғи 240 таси етиб келган, ҳоло. Абу Райхон Берунийнинг 180 та қомусий асаридан эса 22 тасигина сақланиб қолган. ”

этиш, геометрик ҳисоблашларда қўл келган. Замоनावий дастурлашда бугун кўлланилаётган "алгоритм" атамаси Ал-Хоразмий номидан олинган бўлиб, кўйишининг ўзи мамлакатда илмга эътибор нақадар юксак эканини кўрсатиб турибди. Мадрасанинг ўқув дастурида дунёвий фанлар, айниқса, математика ва астрономия асосий ўрнини эгаллаган. Улуғбекнинг аниқ фанлардан ташқари, тарих, адабиёт ва музыкага чуқур қизиқишини назарда тутсақ, ушбу фанлар ҳам мадраса ўқув дастуридан жой олгани аниқ.

Мўғуллар босқинидан аввал мавжуд бўлган улкан кубуҳонанинг Улуғбек томонидан қайта тикланиши Самарқанд ёшларининг барча фанни ўрганишлари учун сезиларли туртки берди. Мударрислар гуруҳини Улуғбекнинг устози Қозизода Румий бошқарди. Устозлар орасида асли Эрондан бўлган Ғисёдин Жамшид ал-Қоший (1380 — 1429) ҳам бор эди. Самарқанд тошларини аниқлаш учун маълумотлар" асарини битган. Унда талай маъданларнинг солиштирма оғирлиги кўрсатилган, 50 дан ортиқ маъданлар, рудалар, меҳон таппалар, қотишмалар ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд. Алломанинг "Ҳиндистон" асари ўз даврида халқаро алоқалар,

илоҳиёт ва илм-фан тарихи соҳасида эришилган буюк ютуқлардан саналади. Беруний ўз китобида Ҳиндистон тарихи, диний эътиқоди, халқи, унинг турмуши ва маданияти билан бирга, ҳинд халқининг илмий ютуқлари, π (пи) сонининг ҳинд услубидаги ҳисоби баён этади. Олим "Қонуни Масъудий" асарига сайёрамизнинг минглаб жуғрофий координатларини киритган. У астрономик ва математик илмдаги маълумотлардан фойдаланиб, куруклик ва денгиз йулбиларни ўлчам асосида, биринчи бўлиб Атлантика ва Тинч океани орасида куруклик мавжудлиги ҳақидаги фаразини илгарилар сургани, бу, шубҳасиз, Ўрта асрларнинг буюк кашфиёти бўлган.

Иккинчи Ренессанснинг атоқли намояндаси Мирзо Улуғбек ўз даврида 12 та мадрасада ўқиган 10 минг талабага милодий ёрдам кўрсатган, замонавий тилда айтганда стипендия тўлаган ҳукмдор эди. Бу толиби илмлардан 500 нафар математикага ихтисослашган эди. Темурий ҳукмдорнинг илмпарварлигини 1417 йилда Регистон майдонида қад рўстлаган маҳобатли Улуғбек мадрасаси ҳам тасдиқлаб турибди. Ҳукмдорнинг

Ал-Қошийнинг отасига ёзган 2 та хати сақланиб қолган. Ушбу битикларда пойтахтдаги илмий муҳитнинг очкилиги ва олимлар ўртасида рақобат жуда кучлилигини таъкидлаб, Мисрда ўқиб келган мактабдоқ қимсаннинг мунозара паётида уялиб қолгани баён қилинади. Хижолат бўлган ҳалиги олим пировардида бу ишдан воз кечиб, соддароқ соҳа бўлган доришуносликка ўтиб кетган экан.

Гувоҳи бўлганимиздек, Фредерик Старрнинг буюк теумрий ҳукмдор Мирзо Улуғбек илмий салоҳияти ва шахсига эътибори юксак. Муаллиф Улуғбекнинг умр бўйи астрономия билан шуғулланиб, юлдуз йили узунлигини Коперникдан кўра аниқроқ ҳисоблаб чиққанини эътироф этади. Унинг шоғирди Али Қўшчи кометалар ҳаракатидан келиб чиқиб, Ер сайраси ўз ўқи ва кўёш атрафида айланишини илмий далиллаб берган. Улуғбекнинг сафдоши бўлган Ғисёдин Жамшид ал-Қоший "Хорда (Эгри чизирини икки нуқтасини туташтиришни тўғри чизик) ва синус ҳақидаги асар"ида учинчи даражали (куб) тенгламаларни ечишни янги усулини тавсифлаётган ҳамда икки аср мобайнида олимлар еча олмаган бир градуслнинг синусини ҳисоблаб чиқади. У "Арифметикага кириш" рисоласида π (пи) сонининг қийматини юнонлар ва хитойликлардан икки баравар аниқликда ҳисоблаб бериб, Европадан 150 йилга олдинлаб кетади.

Улуғбек расадхонасида олиб борилган илмий изланишлар асосида 300 саҳифалик "Зижи жадиди Қўрагоний" ("Астрономик жадваллар тўплами") яратилган бўлиб, унда 1018 та юлдузнинг аниқ жойлашувига оид ҳисоб-китоблар келтирилган. Оксфорд университети арабшунос олими Томас Хайд 1665 йилда буюк ватандошимиз Мирзо Улуғбекнинг ушбу асарини инглиз тилига таржима қилади ва юлдузлар каталогини нашр этади. Улуғбек илмий мактабининг нуфузи ва таъсири, айниқса, Усмонийлар империясида яққол кўринади. Жумладан, Улуғбекнинг устози Қозизода Румий салтанатда биринчи олим, бухорolik Али Қўшчи эса Истанбулда бир йилгина яшаганига қарамасдан биринчи астроном деб эътибор қилинган.

Ф. Старр кўпглаб Ғарб манбаларида бугунги кунгача Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Мухаммад Хоразмий, Бун Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек ва Ватанимизнинг бошқа кўпглаб олимларини араб миллатига мансуб дейишларига эътироз билдириб, бу хато фикр эканини алоҳида таъкидлайди: "Минг йил аввал араб тилида ижод қилган бу олимларнинг аксарияти ўз касбий фаолиятини араб тили муҳитида олиб борган бўлса-да, атиги бир қисми эронийларга мансуб, аммо кўпчилиги туркий олимлар эди," дея қайда эътироз таъкидотчи.

Америкалик тарихчининг буюк болболаримиз кашфиётлари Европа уйғониш асрига кўрсатган оламшумул таъсири борасидаги эътирофлари ҳар қандай таҳсинга муносиб. Бунда энг асосийси, муаллиф тарихини бўзмай, воқеаликка имкон қадар ҳолислик билан ёндашганидир.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ, Урганч давлат университети ректори, профессор.

МЕҲНАТ, МАТОНАТ, ИШОНЧ

ЮКСАК НАТИЖАЛАР УЧУН ТАМАЛ ТОШИ

Мамлакатимиз атлетларининг жаҳон ареналарида эришган ютуқлари ҳар қандай одамни қувонтирмай, қалбини ларзага солимай қўймайди, албатта. Бунда эса юртимизда бу соҳага қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлар пойдевор ўлароқ хизмат қилмоқда, десак, муболага эмас.

Яқинда Кўксарой қароргоҳида давлатимиз раҳбари ёзги Паралимпия ўйинларининг голиб ва совриндорлари, уларнинг мураббийлари ҳамда спорт делегациямиз аъзолари билан учрашиб, уларга юксак мукофотларни топширди. Учрашувда айтилган илиқ фикрлар, билдирилган ишонч ва берилган мукофотлар уларни келажакда янги марралар сари руҳлантиришига шубҳа йўқ.

Ана шундай юксак мукофотга сазовор бўлган юртдошларимизнинг айримларидан қувонч ва ҳаяжонга тўла дил сўзларини ёзиб олдик.

Дил сўзи

Зиёдахон ИСАҚОВА, таъвоно буйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони соҳибаси:



— Аввало, айтиш жоизки, бу галги XVII ёзги Паралимпия ўйинларида терма жамоамиз тарихдаги энг яхши натижани қайд этди. 10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза — жами 26 та медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 13-ўрнини эгаллаганимиз бунинг ёркин исботидир. Улар орасида кўша-қўша рекордлар ўрнатилгани ҳам ниҳоятда қувонарли бўлди. Ушбу тарихий натижага ўз ҳиссамни қўшганимдан фахрланаман.

Ватанимизга қайтган, таъбир жоиз бўлса, катта тўй бошланди. Юртбошимиз Фармонига мувофиқ давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландим. Тантанали маросимда Президентимизнинг "Сиз, азиз спортчилар Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган

XVII ёзги Паралимпия ўйинларида рекорд натижаларга эришиб, мамлакатимизга мана шундай байрам руҳини олиб келдингиз. Барчангизни оламшумул ютуқ ва натижаларингиз билан ўз номидан, эл-юртимиз номидан чин юракдан самимий табриқлайман", деган сўзларни кучимизга-куч, гайратимизга-гайрат қўшди.

Аслида юрт шаъни, обрўсини кўкларга кўтаришдан катта мукофот йўқ. Ҳозирда инсон қадри улуғланаётган, ёшларга мақсад ва орзуларига эришиш учун етарли шароитлар яратилаётган Ватанда яшамокдаммиз, биз учун қилинаётган эзгу ишларга "лаббай" деб жавоб қайтариш, янада баланд чўққиларни забт этиш доимий вазифамиз бўлади, албатта.



Асила МИРЗАЁРОВА, энгил атлетика буйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси, «Ўзбекистон Ифтихори» фахрий унвони соҳибаси:

— Па-ри-ж-да бўлиб ўтган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси юртимиз спортчи учун муваффақиятли кечди — қувончи хабарлар оқими тўхтамади, кўнглилар кўтарилди, фахру ифтихорига тўлди. Қайд этиш жоизки, бугунги кунгача на Паралимпияда, на Олимпиадада она Ватанимиз бай-роғи 26 марта юксакка кўтарилма-ган эди. Ахир, бундан ортиқ бахт борми?

Мусобақани яқунлаб, жонажон диёримизга қайтар эканимиз, аэропорддан то уйимизгача қар-най-сурай садорлар остида ку-шатиб қўйилдик. Парижда ҳам, бу

ерда ҳам, ҳар нафасда халқимиз дуосу, кўллаб-қувватловини ҳис қилиб турдик. Кўксимга тақилган "Ўзбекистон ифтихори", бу — аввалгидан ҳам юксак масъулият дегани, аслида. Бундан руҳлан-ган ҳолда, бундан буюн ҳам бўш келмайман, ўз устимда ишлаб, маҳоратимни ошириб, келгусида кутиб турган нуфузли беллашув-ларда зафар қучаман, деб ишон-тираман.

Очиги, ушбу давлат мукофоти-ни шахсан Юртбошимиз қўлдан қабул қилиб олганимизга ишон-чимчи нага осирди. Бизга ота-ларча меҳр кўрсатаётгани, ҳамиша кўллаб-қувватлаётгани учун у ки-шига ўз миннатдорлигимни билди-раман.

Маҳмуд АМОНОВ, дзюдо буйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси мураббийи, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони соҳиб:

— Инсон умрини қайси ишга ба-ғишласа, қайсидир соҳада меҳнат қилиб, заҳмат чекиб бутун кучи ва салоҳиятини унга сарфласа, кун келиб улкан натижаларга эришар экан. Ҳинг эришган ютуқ-ку май-ли, аммо мураббий сифатида ўз шоғирларнинг муваффақиятига гувоҳ бўлиш, зафарларига ҳисса қўшганингни ҳис қилиш, нуфузли мусобақада уларни энг баланд шохсупда кўриш умуман бошқача бўларкан.

Рости, Парижда бўлиб ўтган бу сафарги беллашувларда ана шун-дай ҳиссиётларни кечирдим.

Бугун ўзбек спортини бутун дунё тан олди. Бунинг замирида, албат-та, спортга қаратилаётган юксак эътибор, яратилаётган шароит ва имкониятлар мужассам. Яшир-

ма й м а н , а й н и қ с а , Президентимизнинг муваф-фақиятга эришган ҳар бир атлети-ка қилган миллионлаб халқимиз олдида юзими эрув бўлди. Юксак мукофот билан тақдирланишим камтарона меҳнатимга кўрсатилган чексиз рағбат, келгусида кўлга кун-дай ҳиссиётларни кечирдим.

Шукрки, бизни кўллаб муҳлис-лик қилган миллионлаб халқимиз олдида юзими эрув бўлди. Юксак мукофот билан тақдирланишим камтарона меҳнатимга кўрсатилган чексиз рағбат, келгусида кўлга кун-дай ҳиссиётларни кечирдим.

Бугун ўзбек спортини бутун дунё тан олди. Бунинг замирида, албат-та, спортга қаратилаётган юксак эътибор, яратилаётган шароит ва имкониятлар мужассам. Яшир-



Элёр ХАЙДАРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.



КИТОБ БАЙРАМИ

Мақтабча ва мактаб таълими вазирилик ҳамда бир қатор идоралар ҳамкорлигида аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, китоб мутолаасига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида Сурхондарё вилоятида "Китобхонлик" фестивали ташкил этилди.

ФЕСТИВАЛЬ

Фестиваль доирасида ўтказилган "Энг китобхон мактаб", "Энг фаол китобхон ўқувчи", "Иждоқ болалар", "Энг китобхон оила", "Энг фаол кутубхоначи" кўрик-танловларида 390 минг

нафарга яқин ўқувчилар қамраб олиниб, 55 нафар голиб ўқувчи рағбатлантирилди.

Яқунда фестивал эстафетаси Қорақалпоғистон Республикасига топширилди.

«Халқ сўзи».

Буюк Британиянинг Колизей театри ва маданият саройида Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси кўмағида илк бор «Лазги. Муҳаббат ва қалб рақси» спектакли намойиш этилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 942. 12 918 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган кўләмлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатида чоп этилишига «Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — З. Худойкуров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлигининг Самарқанд вилоятидаги фотомухбири Алишер Исроиловга отаси **Доли ИСРОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.38 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6